

БАНАЖАВОРОННОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№47 (1174), 2018 йил 22 ноябрь



Марказий банк делегацияси Қозоғистон молиячиларининг VIII конгрессида иштирок этди

Жорий йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Нурмуратов бошчилигидаги делегация аъзолари Олмата шаҳрида бўлиб ўтган Қозоғистон молиячиларининг VIII конгрессида иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси миллий валютаси жорий этилганининг 25 йиллигига бағишланган йиғилишда дунёнинг 20 мамлакатидан 300 нафардан ортиқ вакиллар, жумладан, хорижий давлатларнинг марказий банклари раҳбарлари, халқаро молия ташкилотлари мутахассислари ва молия бозорининг профессионал иштирокчилари қатнашди.

Бу йилги анжуман янги тартибда ўтказилиб, унда иштирокчилар бугунги даврда марказий банклар олдида турган муҳим вазифалар, молиявий архитектура масалалари, трансчегаравий ҳисоб-китобларда миллий валюталардан фойдаланиш, рискка асосланган назорат ҳамда молиявий хизматларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларга бағишланган сессияларга бўлинди. Ялпи мажлисда Россия, Мўғулистон, Покистон ва Ўзбекистон марказий



зий банклари раҳбарлари “Замонавий шароитда Марказий банклар олдида турган муҳим вазифалар” мавзусида сўз юритишди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Нурмуратов “Ўзбекистон молия секторининг ривожланиши: янги давр – янги вазифалар” ҳақидаги маърузасида Ўзбекистондаги банк секторининг ривожланиши ва инфляция таргетлаш режимида ўтиш жараёнидаги вазифалар ҳақида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, қуйидаги масалаларга ҳам алоҳида тўхталди:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон жаҳон молия бозорига интеграциялашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ЎзЛИДЕП Сибсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда академия ҳамкорлигида “Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви: инновациялар, рейтинглар ва индекслар” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ЎзЛИДЕП фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Жаҳон банки ва бир қатор молия муассасалари вакиллари, олий ўқув юртлири олим ва профессорлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

– Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларига интеграциялашув даврида хорижлик ҳамкорлар билан ахборот алмашинуви ва халқаро тажрибани ўзлаштириш тобора муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, жаҳон инвестиция фаолияти стандартларини мамлакатимиз тизимларига жорий этиш ва бу орқали хорижлик инвесторлар сафини кенгайтириш олдимизда турган асосий вазифаларимиздан биридир.

(Давоми 2-бетда).

“O'zsanoatqurilishbank” tomonidan olib borilgan rebranding ishlari yakuni ommaвий эълон қилинди. Шу мақсадда пойтахтимиздаги “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида матбуот анжумани ташкил этилиб, унда журналистлар банкнинг янги имижига билан боғлиқ барча саволларига жавоб олдилар.

Ребрендинг: “Sanoatqurilishbank” – такомиллашув сари жиддий қадам



Банк номи эндиликда “Sanoatqurilishbank” дея юритилади. Мазкур янги бренд банк логотипининг ўзгариши билан биргаликда бизнес жараёнлар, хизматлар сифати ва маҳсулот турларининг ҳам такомиллашувини англатади.

“Sanoatqurilishbank”нинг трансформация қилиниши, ўз навбатида банк ривожланиш стратегиясини буткул янгилашни назарда тутди. Бунинг учун Халқаро молия корпорацияси (IFC) ҳамда Россия банкларидан энг тажрибали мутахассислар жалб қилинди.

Банк имижини ўзгартириш билан боғлиқ дастурнинг дастлабки босқичида мижозлар хоҳиш-истаклари ва банк тизимининг ҳозирги ҳолати батафсил ўрганиб чиқилди. Ўтказилган сўровлар хизматлар сифати банкни танлашдаги асосий омил эканлигини кўрсатди. Шунингдек, иштирокчилар иккинчи муҳим омил сифатида хизмат кўрсатиш тезлигини танлашди.

(Давоми 3-бетда).

Омадли ҳамюртимиз “Орландо” соҳибига айланди



АТ “Халқ банки” матбуот хизматининг хабар беришича, банк томонидан ташкил этилган “Беш карра беш” ютуқлар лотереясига қўйилган яна бир “Орландо” автомобили ўз эгасига топширилган. Юртимизда ишлаб чиқарилган ушбу автомобиль Хоразм вилояти Янгибозор тумани Бўзқалъа кўчасида истиқомат қилувчи ҳамюртимиз Иззат Ўразовга насиб қилди.

– Кўп йиллардан буён “Халқ банки” лотереяларини ўйнаб келаман, бир неча бор турли миқдордаги пул ютуқларини ҳам ютганман, лекин бугунгиси уларнинг орасида энг каттаси бўлди, – дейди Иззат Ўразов. – Яхши ният билан ҳаракат қилавериш керак экан. Яқинда “Беш карра беш” лотереясида 15 минг сўмга 5 дона олган эдим. Буни қарангки, уларнинг биридан “Орландо” автомобили чиқиб турибди-да. Хонадонимизда байрам бўлиб кетди. Хурсандчилигимизнинг чеки йўқ. Мана бугун машинани олиб, яна бир карра хурсанд бўлдик.

Эслатиб ўтамиз, “Беш карра беш” лаҳзали, пул-буюм ютуқли лотереяси икки разрядида жами 30 млрд. сўмлик турли пул ютуқлари, шу жумладан, тўртта “Орландо” автомобили қўйилган.

Маълумот учун қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги “Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан АТ “Халқ банки”га пул-буюм лотериеларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқи берилган. Банк эса Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга асосан бир неча турдаги лотерея ўйинларини ўтказиб келмоқда.

finance.uz

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Марказий банк делегацияси Қозоғистон молиячиларининг VIII конгрессида иштирок этди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Айни кунларда Ўзбекистонда очик иқтисодиёт учун шароит яратиш, минтақавий ва глобал иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, хусусий секторнинг жадал ривожланишини таъминлаш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, самарали рақобат муҳитини яратиш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва ҳосилдорликка эришиш йўлида қатор иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда.

Бу жараёнда Марказий банкнинг асосий вазифаси макроиқтисодий барқарорликни сақлашда нархлар мувозанатини таъминлашдан иборатдир. Чунки нархлар мувозанатига эришмасдан туриб, иқтисодий ислохотларнинг ҳақиқий натижасини кўриш мушкул. Ушбу янги шарт-шароитлар эса бутун молия сектори, жумладан, Марказий банк фаолиятини жадаллик билан қайта қуришга олиб келди.

Дастлабки босқичда биз жорий халқаро операциялар бўйича валюта бозорини либераллаштириш, валюта курсини белгилашга киришиб, мазкур жараёнларнинг банк тизими, умуман иқтисодиётга таъсирини юмшатишга эришдик.

Иккинчи босқичда эса ташқи иқтисодий фаолиятга қарашли, айниқса, қўшни дав-

латлар билан, шароит яхшиланди ва эркинлаштирилди.

Фикримизча, ҳудудда валюта бозорини либераллаштириш билан боғлиқ инвестициялар ва савдо-сотиқларга кенг йўл очилиши минтақавий иқтисодий интеграция даражасини ошириб, минтақалараро рақобатнинг кучайишига хизмат қилади.

Ислохотларнинг учинчи босқичида иқтисодиёт соҳасида ва иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат ролини камайтириш ҳамда хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва унинг ривожланиши учун зарур манбаларни рағбатлантириш масаласи асосий роль ўйнайди.

Шунингдек, биз молиявий секторни ислох қилиш жараёнида кредит бозори сегментациясини камайтириш ва худди шу тарзда пул-кредит сиёсати самардорлигини ошириш ва имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилдик.

Ялли мажлис якунида Қозоғистон Республикаси миллий валютаси – тенгени ривожлантириш ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталардан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда бу жараённи тартибга солиш учун назоратни такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

cbu.uz

Ўзбекистон жаҳон молия бозорига интеграциялашмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Агар мана шу стандартни амалиётга жорий этишга эриша олсак, ўйламанки, чет эл инвесторлари ҳам ўзларига таниш ва қулай шарт-шароитдан мамнун ҳолда, иқтисодиётимизнинг турли тармоқлари учун янада кўпроқ сармоялар киритадилар, – деди Банк-молия академияси Инвестициялар кафедраси мудири Мехриддин Бўтабоев ўз нутқида.

Анжуманда мамлакатимизда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш, илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган қурилмалардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш муҳим вазифалар экани таъкидланди.

– Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда монетар сиёсатнинг ролини оширишда айрим муаммолар кўзга ташланмоқда, – деди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати департаменти директори Бекзод Ҳамроев. – Жумладан, кейинги йилда миллий валютанинг қадрсизланишига табиий монополия маҳсулотлари ва хизматлар баҳоларининг ошиши натижасида кучайиб борган инфляция сабаб бўлди. Бироқ Марказий банк то-

монидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида мазкур муаммога ижобий ечим топилди. Бунда мамлакатимизда монетар таргетлаш режимидан воз кечилиб, инфляцион таргетлаш режимига ўтиш мақбул йўл сифатида белгилаб олинди. Инфляция даражаси жорий йилнинг бошида 20%га етган бўлса, сентябрь ойига келиб 18,2%ни ташкил этди. Прогнозларга кўра, инфляция даражаси жорий йил охиригача 16-17%ни, 2019 йилда 13-14%ни, 2020 йилда 11-13,5%ни, 2021 йилга бориб эса барқарор кўрсаткични ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

Шунингдек, анжуман давомида мутахассислар томонидан сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган молия бозоридagi ислохотлар ҳамда яратилаётган қулай инвестициявий-инновацион ва ишбилармонлик муҳити макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий мутаносибликни таъминлашга хизмат қилаётгани қайд этилди. Шу билан бирга, мутахассисларнинг иқтисодиёт соҳасидаги инновациялар трансфери, халқаро стандартлар, рейтинглар ва индекслар мавзудидаги тақдиротлари ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида иштирокчилар халқаро суверен облигацияларни чиқариш масалалари, инфляцион таргетлашга ўтишнинг истиқбол ва муаммолари, фонд бозорида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда инвестиция фаолиятининг стандартларини жорий этишга доир масалаларни кенг муҳокама қилиб, бу борада зарур таклиф ва тавсияларни бердилар.

Г. ТУРСУНҲАТОВА

FINANCEUZ хабар қилади

БАНК ХИЗМАТЛАРИ

“Ипак Йўли банки”дан текин хизматлар

Одатда тижорат банклари томонидан халқаро (конверсион) тўлов карталарини очиш учун 75 мингдан 100 минг сўмгача бир марталик тўловни амалга ошириш талаб этилади. Бироқ “Ипак Йўли банки” аҳолига VISA Electron ва VISA Exchange конверсион карталарини текинга олиш имкониятини яратди.

Шунингдек, илгари 20 АҚШ доллари бўлган сугурта депозитини ҳам икки баробарга қисқартирди. Энди мижозлар сугурта депозити учун бор-йўғи 10 доллар тўлашлари kifоя.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. VISA Classic карталарини очиш 40 минг сўмга туширилди. 100 АҚШ долларлик сугурта депозити эса икки баробарга қисқартирилди. Шунингдек, VISA Gold ва VISA Platinum карталарини очиш, ойлик абонент тўлови ва улардаги сугурта депозитлари нархлари ҳам арзонлаштирилди.

“Алоқабанк” халқаро карта учун сугурта депозитини камайтирди

“Алоқабанк” АТБнинг VISA карталари орқали интернет-харидлар қилиш ва хорижда ҳам тўловларни амалга ошириш мумкин. Эндиликда банк мижозларга қулайлик яратиш мақсадида мазкур турдаги карталардан фойдаланишни янада энгиллаштирди. VISA карта учун сугурта депозитини 2,5 баробарга, яъни 20 АҚШ долларигача камайтирди. Ушбу карталарни банкнинг исталган филиалларидан расмийлаштириш мумкин.

“Агробанк” “Сармоя”си билан даромадингизни оширинг!

Даромадингизни ошириш учун яна бир қулай ва манфаатли таклиф! “Агробанк” омонатчилар хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, “Сармоя” номли янги омонатни жорий қилди.

Омонатга маблағлар нақд пулда ва пластик карта орқали қабул қилинади.

Бунда омонат ҳисобварағи 13 ойга очилганда йиллик – 19 фоиз, 25 ойга очилганда эса йиллик – 20 фоиз устама тўланиши белгиланган.

“Сармоя”га қўйиладиган бошланғич бадалнинг минимал ҳажми 500 000 сўм. Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

Мижоз ўз сармоясини муддатидан олдин олган тақдирда эса фоизлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан тўлаб берилди.

“Эксклюзив” омонат

Жорий этилаётган омонат турларининг доимий янгиликлар билан боғлиқ банк ресурс базасини кенгайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. “Туронбанк” ҳам аҳоли учун қулай шартларда “Эксклюзив” миллий валютадаги янги муддатли омонатни таклиф этмоқда.

Омонатга пул маблағлари жисмоний шахсларнинг UZCard пластик карталаридан ҳамда мавжуд онлайн омонатлардан банкнинг www.turonbank.uz сайтидаги “Шахсий кабинет” бўлими орқали ёки “MyTuron” мобил дастури ёрдамида 18 ой муддатга қабул қилинади.

Омонатнинг йиллик устама ҳақи 20%ни ташкил этиб, унинг энг кам бошланғич бадал миқдори 1 млн. сўмдир.

Қулайликлардан яна бири омонатга 1 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар кирим қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Омонатдаги пул маблағларининг 30%гача миқдоридан қисман чиқим қилиш руҳсат этилади.

Имкониятни қўлдан бой берманг!

“Ўзмиллийбанк” “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖ томонидан қуриб битказилган республикамизнинг деҳқон бозорлари ҳудудидаги янги замонавий савдо мажмуаларини аукцион савдолари орқали сотилишини маълум қилди.

Айтиш жоизки, мазкур савдо мажмуалари намунавий лойиҳалар асосида қурилган бўлиб, барча замонавий қулайликларга эга.

Ребрендинг: “Sanoatqurilishbank” – такимлашув сари жиддий қадам

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бунинг жамият кишилари вақтини навбат кутиб ўтказиш ёки банк ходимлари билан узоқ музокаралар олиб боришни ёқламайди.

Шунингдек, сўровларда банк хизматлари учун тарифлар миқдори, маҳсулотлар турининг кенглиги, интернет-банкнинг имкониятлари ҳамда банк офисларининг қўлайлиги каби масалалар ҳам алоҳида ўрин олди.

Мижозларга йўналтирилган модел


Банк таҳлил натижалари асосида бизнеснинг энг муҳим 12 йўналишини қамраб олган банкни трансформация қилиш дастурини ишлаб чиқди.

Банк миждозлар билан мустаҳкам муносабат ўрнатишда жаҳон амалиётида ўзини оқлаган услуб – миждозларга йўналтирилган модель бўйича иш олиб боришни мақсад қилди. Бунда банк ҳар бир миждоз эҳтиёжидан келиб чиқиб, улар учун манфаатли бўлган молиявий хизмат ва маҳсулотларни таклиф қилади. Уларга янги хизмат ва хизмат кўрсатилади, хизматлар тарифлари мувофиқлаштирилади.

Шунингдек, эндиликда “Яшил банк” лойиҳаси доирасида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш билан шугулланувчи компаниялар алоҳида қўллаб-қувватланади. Стратегик сармоядорларни жалб қилиш, кредитлаш жараёнини соддалаштириш ишлари кучайтирилади.

“Капиталбанк” Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси билан шартнома имзолади

“Капиталбанк” АТБ ҳамда Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси ўртасида бўлиб ўтган учрашувда тўрт миллион АҚШ долларилик шартнома имзоланиб, ҳамкорлик доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари молиялаштириладиган бўлди.



Банкнинг асосий мақсади ҳам кичик ва хусусий бизнесни молиялаш учун узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишдан иборат бўлиб, бу каби халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилаётгани ресурс базасини мустаҳкамлашга ва хорижий молия институтларининг кредит линиялари орқали банк миждозларини молиявий қўллаб-қувватлашга кўмак беради.

Ахборот тизимларини тўлиқ ўзгартириш, бизнес жараёнларини қайта кўриб чиқиш ва филиаллар техник таъминотини модернизация қилиш ҳисобига хизмат кўрсатиш тезлиги оширилади.

Танаффузсиз иш тартиби

“Sanoatqurilishbank” тизимида иш вақти графигида тушлик учун танаффус бекор қилинади. Бунинг учун ходимлар иш режими сменали тарзда йўлга қўйилади.

Банк маҳсулотлари ҳам трансформация қилиниб борилади. Жумладан, амалдаги хизмат ва маҳсулотлар соддалаштирилиб, улар мутлақо янги турлари билан янада бойитилади.

Янги ривожланиш стратегияси доирасида “Sanoatqurilishbank” АТБнинг барча офисларида хизмат кўрсатишнинг шакл-шамойили буткул ўзгартирилмоқда. Қатор филиалларда хизмат кўрсатиш бўлимлари фаолияти қайтадан йўлга қўйилди. Шу билан бирга бу борадаги ишлар 2019 йил мобайнида фаол давом эттирилади ва йил охирига қадар яқунланади.

Бир сўз билан айтганда, “Sanoatqurilishbank” АТБ янги имиж, янги қиёфа билан хизмат кўрсатиши, жиҳозланиш ҳамда бизнес жараёнларни мукамал тарзда йўлга қўйиб, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бера оладиган республикамизнинг ҳам етакчи, ҳам замонавий молия муассасасига айланиши кутилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, банк филиалларида миждозларга замонавий хизматларни кўрсатиш учун қўлайликлар яратилиб, масофавий хизматлар кўлами оширилади. Буни банкнинг Самарқанд минтақавий филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Янги қиёфадаги минтақавий филиал



Мазкур филиал биноси яқинда замонавий услубда таъмирдан чиқарилиб, миждозларга хизмат кўрсатиш учун барча зарур шартлар яратилди. Жумладан, филиалга ташриф буюрган ҳар бир кишини даставвал “Мижозга хизмат” ахборот маркази ходимлари кутиб олади. Улардан банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар тарифлари ва турлари ҳақида бошлангич маълумотларни олиш мумкин.

Шунингдек, банк фаолиятига доир асосий кўрсаткичлар ва маълумотлар филиал биносидagi ахборот стендларига, электрон мониторларга жойлаштирилган. Филиал замонавий банк технологиялари – банккоматлар, инфокиосклар билан жиҳозланган бўлиб, улар орқали фуқаролар сўм пластик карталаридаги маблағларни нақдлаштиришлари, пластик картонка ҳисобварағи ҳаракати тўғрисида маълумот олиш, “SMS-хабарнома” хизматига улашиш имкониятига эга. Ушбу қурилмалар ёрдамида “Қишлоқ

қурилиш банк” дан олинган кредитларнинг асосий ва фоиз қисмини қайтариш, турли коммунал тўловлар, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни ҳам амалга ошириш мумкин.

Эътиборли жиҳати, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг мазкур Самарқанд филиали тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг бизнес лойиҳаларини фаол қўллаб-қувватлаб келаётди.

Жумладан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида қўллаб ташаббускор тадбиркорларга кредитлар ажратмоқда. Шундан бири Пайариқ туманида жойлашган “Шунқор Аҳмедов” хусусий корхонасидир. Яқинда мазкур корхонага кичик иқтисодий зонасида тикувчилик цехини ташкил этиш учун 36 ой муддатга имтиёзли шартларда 180 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Бу эса цехнинг тез қунда иш бошлашидан дарак беради.

Цюрихда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Швейцариянинг Credit Suisse банки ўртасида 200 миллион евролик кредит битими имзоланди.

“Ўзмиллийбанк”нинг Credit Suisse банки билан битими

Хамкорлик доирасида республикамизда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар, экспорт-кредит агентликлари (ЭКА) кафолати остида, давлат кафолати тақдим этмасдан биргаликда молиялаштирилади. Шунингдек, Европа, Жанубий Корея ва Хитойдан ускуна ҳамда технологиялар етказиб беришни назарда тутувчи лойиҳалар бўйича ҳам ҳамкорлик қилинади.

Маълумки, Швейцария банк тизими жаҳонда энг ишончли ва барча учун ўзига хос намуна ҳисобланади. Шу боис, мазкур банк фаолиятида илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва банк хизматлари ҳамда маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш Ўзбекистон банк сектори учун ҳам устувор йўналишлардан биридир. “Ўзмиллийбанк” ва Credit

Suisse ўртасидаги музокаралар жараёнида ушбу йўналиш бўйича алоҳида келишувга эришилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ишбилармон доиралари тўқимачилик, металлургия ва бошқа саноат соҳаларида Швейцарияда ишлаб чиқарилган ускуна ҳамда технологияларни сотиб олишга катта қизиқиш билдирмоқда. Эришилган келишувлар ушбу битимларнинг молиявий эҳтиёжларини қондиришга ҳам катта ёрдам беради.

“Ўзмиллийбанк” 1993 йилдан бошлаб Credit Suisse банки билан савдо-но молиялаш ва тўлов амалиётлари соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Имзоланган мазкур ҳужжат эса Ўзбекистон ва Швейцария банклари ўртасида бундай турдаги битимларнинг биринчиси ҳисобланади.

Муомалага чиқарилаётган пластик карталар сони ортимоқда

Ягона умумреспублика процессинг маркази маълумотларига биноан, 2018 йилнинг 2-чорақ натижаларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган e-commerce транзакциялар сони ўтган йилнинг 2-чорагига нисбатан пасайиш кўрсаткичларини намойён этди. Жумладан, йилнинг 3-чорагида e-commerce транзакциялар сони 69,8 миллионни ташкил этиб, 2018 йилнинг ўтган 2-чорагидаги 72,4 миллионлик ҳолатига нисбатан 3,6% лик пасайишни қайд этди.



3-чорақда электрон коммерция бўйича амалга оширилган транзакцияларнинг жами миқдори 1 610,7 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг 2-чорагида қайд этилган 872,4 млрд. сўмга нисбатан 184,6% га ўсишни кўрсатмоқда.

Муомалага чиқарилган пластик карталарнинг умумий сони бўйича эса 3-чорақда қайд этилган 817 179 та пластик карта сони, жорий йилнинг 2-чорагида қайд этилган 813 831 та пластик карталар сонига нисбатан 0,4% лик ўсишни намойён этди.

Умумий кўрсаткичларни ҳисобга олганда, муомалага чиқарилган пластик карталар сони бўйича "Халқ банки" 162 725 талик кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринда "Agrobank" 123 360 та ҳамда "Ipoteka Bank" 80 901 талик кўрсаткич билан учинчи ўринни эгаллади.

uzcard.uz

Бахт ва фароғат тўлқини

Айни кунларда "Хар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун республикамизнинг барча ҳудудларида ташкилий мувофиқлаштирувчи ҳамда махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, белгиланган чора-тадбирлар юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Буни махсус ишчи гуруҳлар қаторида бўлган "Микрокредит-банк" АТБ Навоий вилояти филиали мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Сабаби ўтган давр мобайнида мазкур филиал томонидан ажратилган қарийб 2,5 млрд. сўм кредит маблағи натижасида вилоятдаги юздан зиёд фуқаро иш билан таъминланди.

Банк кредитлари асосида ўз фаолиятини бошлаган ҳар бир тадбиркор, уларнинг оила аъзолари бундай имтиёз ва имкониятдан беҳад мамнун.

Бекзод РАҲМАТОВ:

— Мен Қизилтепа туманидаги Хўжа Ҳасан ҚФЙ, "Узилшкент" маҳалла фуқаролар йиғинида

истиқомат қиламан. Анчадан бунён ишсиз эдим. Банкдан олинган 25 млн. сўм кредит маблағи эвазига паррандачилик билан шуғулланишни йўлга қўйдик. 2 минга яқин товуқ боқяпмиз. Натижа ёмон эмас. Айни пайтда 2-туркум броллер жўжаларни олиш арафасида турибмиз. Энг муҳими, бошлаган ишимиз сабаб оиламизда уч киши иш билан банд. Турмушимиз ҳам фаровон.

Гулрух АҲАДОВА:

— Мен Хатирчи тумани, Парахун маҳалла фуқаролар йиғинида яшайман. Тикувчиликни йўлга қўйиш мақсадида "Микрокредит банк" дан 15 млн. сўм кредит олиб, янги замонавий тикув машиналарини харид қилдим. Ҳозирги

кунда қишлоғимиз аёллари учун кийим-кечак тикяпман. Маҳсулотларимизни бозорга, қишлоқдаги савдо дўконларига сотиш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Бекзод КЕНЖАЕВ:

— Бизнинг оилавий корхона Кармана тумани "Зиёкор" маҳалласида жойлашган. Уни кенгайтириш учун "Микрокредитбанк" Кармана филиалига мурожаат қилгандик, ҳеч қандай муаммоларсиз 27 млн. сўм кредит маблағи ажратиб берди. Бу маблағга қандалатчиликка мослашган замонавий жиҳоз сотиб олдик. Айни кунда турли хил пишириқлар тайёрлаб, тўй-таналар дастурхонини безатишга ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Оила аъзоларимизнинг барчаси иш билан таъминланди.

Яна бир оилавий корхона эгаси Хатирчи тумани Парахун МФЙда истиқомат қилувчи Шоира РАЖАБОВА ҳам юртимизда яратилаётган бу каби имкониятлардан мамнунлигини билдирди. 20 йил давомида маҳалла маслаҳатчиси бўлиб ишлаган, бугунги кунда нафақага чиққан бу аёл келини Ноила Пўлатова билан бирга чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилиб, банкдан 25 млн. сўм кредит олди. Қайнона-келин келажақда чорвачиликни янада кенгайтириш ниятида.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, ишсизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганини кўрсатиб турган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Банк ахборот хизмати

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молия-банк муассасаларининг ўз ўрни бор. Улар томонидан турли йўналишларнинг молиялаштирилиши ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланишига хизмат қилмоқда. Айниқса, давлат дастурлари ижросида тижорат банкларининг фаол иштироки ишларнинг янада самарали кечишига омил бўлаётир.

Маълумки, "Обод қишлоқ" давлат дастури асосида юртимизда ободлик, бунёдкорлик юмушлари кенг қўлоқ ёйди. Қишлоғу маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгарди. Турли маданий-маиший шохобчалар, замонавий савдо мажмуалари ишга тушиб, аҳоли турмуш тарзи ҳам кун сайин фаровонлашмоқда.

Айни кунда Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Кўнгирот маҳалласида ҳам мазкур Дастур асосида кенг қўламадаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари авжида. Айниқса, замонавий маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг барпо этилаётгани қишлоқ аҳлига қулайлик туғдириши билан бирга янги иш ўринлари ва тадбиркорлар сафининг ортшига хизмат қилаётир. Шулардан бири яқка тартибдаги тадбиркор Карим Фозиловдир. У ҳам маҳалладаги ўзгаришлардан руҳланиб, тадбиркорликка қўл урди. Бунинг учун у "Ўзмиллийбанк"нинг Жомбой филиалидан 100 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, савдо дўкони очди. Шинам ва замонавий тарзда бунёд этилган савдо мажмуаси қисқа фурсатда миқозлар ишончини қозонди. Бу ҳақда тадбиркорнинг ўзи шундай дейди:

— Маҳалламиздаги ободлик ишлари ҳар бир маҳалладошимизнинг кўнглини кўтариб, дунёқарашини ўзгартирди. Биз ҳам ана шу жараёнда яши ниатларда "Ўзмиллийбанк"дан кредит олиб, иш бошладик. Шукурки, қисқа фурсатда бизнесимиз

Имтиёзлар имкониятлар яратмоқда



юришиб, харидорлар кун сайин ортиб бормоқда.

Бу каби бунёдкорлик ишларини Фарғона вилоятида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Олтиариқ туманининг "Тинчлик" шаҳарчаси ҳам "Обод қишлоқ" дастури доирасида янгича қиёфа касб этиб, шаҳарча буткул замонавий тус олаётир. Айниқса, савдо мажмуаларининг замонавий хизматлари барчани мамнун қилмоқда.

— Коллежни битириб бизнес юритишни мақсад қилганим, — дейди тадбиркор Паризода Юсуфова. Лекин сармомая йўқлиги боис бизнес лойиҳамни амалга оширишга кўзим етмасди. Аммо қишлоғимизнинг давлат дастурига киритилиши

сабаб имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлдим. Шундан фойдаланган ҳолда "Ўзмиллийбанк"дан молиявий кўмак олиб, замонавий мини-маркет ишга туширдик. Ҳали дўконимизни очганимизга кўп бўлмаса-да, доим гавжум.

Албатта, бугунги кунда "Ўзмиллийбанк" томонидан юзлаб тадбиркорларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, уларга турли йўналишларда кредитлар берилмоқда. Бу ҳақда банк мутахассиси Б.Тўрақулов шундай дейди:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Дастур доирасида республикамиз ҳудудларида қуриладиган 368 та мини-маркетларга "Ўзмиллийбанк" томонидан жами 128 млрд. сўм маблағлар ажратилиши режалаштирилган. Бугунги кунда шундан 357 тасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йил охиригача эса яна 256 та мини-маркет ўз фаолиятини бошлайди.

Шунингдек, "Ўзмиллийбанк" қишлоқларда замонавий мини-маркетлар ташкил қилиш учун нафақат имтиёзли кредит ажратишга, балки уларга республикамизда етакчи бўлган "korzinka.uz" йирик савдо компанияси билан алоқа ўрнатишга ҳам ёрдам бермоқда.

Б. МУҲАММАДИЕВ

МИНИ-КЛАСТЕР – ИШБИЛАРМОНЛАР МАКТАБИ

Икки-уч йил илгари “кластер”, “мини-кластер” сингари сўзлар кулоққа эриш туюларди. Чунки кўпчилигимиз бу сўзлар қандай маъно англатишини уларнинг вазифаси нимада эканини билмас эдик. Бугун-чи? Олисида, техника-технология у қадар ривожланмаган ҳудудда яшовчи истаган юртдошимиздан “Мини-кластер нима?” деб сўранг, билади. Сабаби, атрофида йўқ деганда, битта мана шундай кластер ё мини-кластер ишлаб турибди...

Президентимизнинг жорий йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарори ҳудудлар тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Унга қўра, қишлоқ ва маҳаллаларда мини-кластерлар ташкил этиш вазифаси белгиланган. Бир қарашда халқимизга узоқ йиллардан бери таниш “устоз-шогирд” аъёналарини эслатувчи мазкур тузилма чиндан тадбиркорлик илмини билмаганларга ёрдам бериш, пешона тери ортидан қандай даромад олиш сир-синаотларини ўргатади. Аини дамбада ана шундай бизнесда ижобий натижаларга эришган, ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорлар – мини-кластерлар раҳбарлари янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган маҳалладошларига ўрнак бўлаётир.



Айни кунларда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида қизғин фаолият олиб бораётган Отабек Мурзоев раҳбарлигидаги “Барлос” мини-кластери ҳам ана шундай тузилмалардан бири. У тумандаги тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида турган оилаларга мактаб вазифасини ўтамоқда. 2009 йилда ташкил этилган ушбу корхона, асосан, насли кўй ва маҳсулдор асалари оилаларини кўпайтириб, сотиш билан шуғулланади.

Бугунги кунда мазкур оилавий корхонада супер, элита, қирриқ ҳисори кўй зотлари, Карпатянка, Витическая, Чемпионка, Корненка, Италиянка каби асалари турлари кўпайтирилмоқда.

– Тадбиркорлик кони фойда, – дейди Отабек Мурзоев. – Неча йилдан бери шу соҳада ишлаб кам бўлмадик. Қувонарлиси, фаолиятимизни кўрган андижонликларнинг аксарияти чорвачилик

ва асаларичилик билан шуғулланишни ният қилишяпти. Юртимизда ҳисори кўйлар сони қанча кўпайса, бозорларимиз ҳам шунча кўп арзон гўшт маҳсулотлари билан таъминланади. Асаларининг фойдасини-ку, гапирмай қўяверай. Ўзи ҳам, боли ҳам минг дарда даво.

Қолаверса, мазкур кластернинг пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, бугунги кунда Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия давлатларига пайпоқ етказиб бермоқда. Бундан тушаётган даромад эса йилига ўртача 30-40 минг АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Хуллас, “Барлос” мини-кластерининг эришаётган натижалари барча учун ўрнак бўларли. Қўй ва асаларининг ҳам бозори чаққон бўлиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 800 та асалари оиласи, 5 минг бош кўй сотилди. Корхона эндиликда янги фаолият тури – бўрдоқчиликни йўлга қўйди.

Бундай мини-кластерлар фаолияти билан танишаркансиз, ака-укаси, қўни-қўшниси, маҳалладошини ортидан эргаштириб, ҳам оиласи, ҳам тумани, ҳам мамлақати иқтисодийётига фойдаси тегаётган инсонларни кўриб, уларнинг сафи янада кенгайверсин, дегингиз келади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси товар-хонашў биржасининг биржа савдолари орқали ички ва ташқи бозорга сотилаётган товарлар номенклатураси ва ҳажми тобора ошиб, тадбиркорларнинг товар ресурсларидан фойдаланиши сезиларли даражада кенгайди. Шунингдек, товар сотувчи ва етказиб берувчилар ўртасидаги соф рақобат янада кучайди.

Тадбиркорлар биржа савдоларида фаол

Ўзбекистон Республикаси товар-хонашў биржаси Электрон тижорат ва харидларни ташкиллаштириш бўлими мутахассиси Шоҳсанам Аметова билан бўлган суҳбатимизда жорий йилги ана шу ўзгариш ва янгиликлар, ўтган ойлари давомида соҳада эришилган натижалар хусусида сўз борди.

– Маълумки, аини кунда ЎзРТХБда 4 та савдо платформаси – биржа савдолари, кўргазма-ярмарка савдолари, авторакамлар ҳамда давлат харидлари савдо платформалари фаолият кўрсатмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур платформаларга талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг 5-9 ноябрь кунлари онлайн аукцион орқали avtoqam.uzex.uz веб-сайтида умумий қиймати 4,1 миллиард сўмлик 1015 донга автомобиль рақами сотилган. Аиниқса, давлат рақам белгиларининг иккинчи ва учинчи тоифалари учун рўйхатдан ўтказиш бошланғич нархларининг пасайтирилгани бу борадаги сотув даражасининг кескин ошишига сабаб бўлди.

Биржа ва аукцион савдоларида тадбиркорларнинг фаол иштирок этаётгани ҳам ЎзРТХБда товар айланмасининг динамик ўсишига хизмат қилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган шартномалар ҳажми ўтган йилга нисбатан 61 фоизга ўсди. Жумладан, тадбиркорлар биржа орқали 8,4 трлн. сўмлик товар ресурсларини харид қилишган бўлса, ўзлари ишлаб чиқарган 3 трлн. сўмлик маҳсулотларни сотишга муваффақ бўлишди.

Жорий йилнинг муҳим воқеаларидан яна бири – давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, мазкур жараёнда тадбиркорлар ўртасида соф рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ, ЎзРТХБнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали – xarid.uz ишга туширилди. Қисқа фурсат ичида мазкур портал орқали жами 1273,3 млрд. сўмлик 309 мингдан ортиқ битим имзоланди.

Агар биржа савдоларидаги экспорт-импорт натижаларига эътибор берсак, аини кунда мамлакатимизга хориж мамлакатларидан цемент, кўмир, ёғоч маҳсулотлари, асбест ҳамда қурилиш ойналари каби маҳсулотлар имтиёзли равишда импорт қилинаётган бўлса, полиэтилен, пахта толаси, рангли металллар, нефть маҳсулотлари сингари маҳаллий товарлар хорижга экспорт қилинмоқда. Албатта, бу каби экспорт маҳсулотларимиз йил сайин ўсиб бормоқда.

Янгиликлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдонини янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Қозоғистоннинг “ЎзРТХБ” АЖ ва “ЕСТ” Товар биржаси ҳамкорлиги тўғрисида”ги қелишувининг ижроси доирасида Олмата шаҳрида (Қозоғистон Республикаси) Биржа савдоларининг электрон тизими (БСЭТ)га уланган “ЎзРТХБ” АЖнинг хориждаги савдо майдончаси иш бошлади.

Савдо майдончасининг таъсисчиси Қозоғистоннинг “Альта ва К” МЧШ брокерлик компанияси бўлиб, ширкат “ЎзРТХБ” АЖда аккредитациядан ўтган илк хорижий брокерлик компанияси ҳам ҳисобланади. Жорий йилнинг ноябрь ойи бошида иш бошлаган мазкур савдо майдончаси орқали илк босқичда маҳаллий юқори ликвидли товарлар, хусусан, полиэтилен, полипропилен, пахта ва рангли металлларнинг Қозоғистонга сотилиши, шунингдек, Ўзбекистонга дон маҳсулотлари, кўмир ва цементнинг импорт қилиниши кўзда тутилган.


Г. МАЛИКОВА

ОГОҲЛИК

Шу кунларда кўплаб ОАВда ис газидан заҳарланган шахслар ҳақидаги ахборотларни учратяпмиз. Албатта, буларнинг бари ачинарли. Аммо ана шу фожеалар жойига чиқиб ўрганилганда, аксарият ҳолларда бу мудҳиш воқеаларга шахсларнинг бепарволиги сабаб бўлаётгани аниқланган.

Заҳарланишларнинг келиб чиқиш сабаблари шундаки, ис гази – хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўлади. Маълумки, ис гази инсон организмнинг нафас йўллари ва нафас аъзоларига кучли таъсир қилади. Улар танани, хусусан, марказий асаб тизимини фалаж қилади. Ундан заҳарланиш эса ҳаводаги концентрацияси ва таъсир муддатига боғлиқ. Заҳарланиш енгил, ўрта ва оғир даражада бўлиб, бундай ҳолларда

ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!



бош айланади, қаттиқ оғрийд, қусиш, нафас олиш секинлашади ва ҳушдан кетиш ҳолатлари кузатилади. Баъзан кучли заҳарланиш ўлимга ҳам олиб келади.

Ис газидан қатор органик моддалар синтез қилувчи корхоналарда, гаражларда шамоллатиш ёмон бўлганда, янги бўялган, шамоллатилмайдиган хоналарда, шунингдек, уй шароитида табиий газ ёниб турганида ёки печка билан иситиладиган уйларда ва печка қопқоғи ўз вақтида ёпилмаганда заҳарланиб қолиш ҳолатлари кузатилади.

Шу боис, куз-қиш мавсумида ҳар бир фуқаро ўз хонадонидан фойдаланаётган газ мосламаларига эътиборли бўлиши, уларни мутахассислар кўригидан ўтказиши зарур бўлади. Огоҳлик, ҳеч қачон зарар қилмайди. Зеро, соғлигимиз ва ҳаётимиз барча няматлар ичида энг олийсидир.

Ш. ИСЛАМОВ,
Юнусобод тумани ЁХБ
инспектори.

ДУНЁГА НИГОХ

Жаҳон Марказий
банкларидан
рекорд натижа

2018 йил учинчи чораги давомида жаҳоннинг Марказий банклари (МБ) олтин захирасини сотиб олиш бўйича ўзига хос рекорд натижани қайд этди.

Сотиб олинган захиранинг асосий қисми Туркия ва Россия молиявий муассасалари улушига тўри келади.

Бутунжаҳон олтин кенгаши (WGC) тақдим этган таҳлилларга кўра, сўнгги уч ой давомида жаҳон МБ 148,4 тонна олтинга эга бўлган. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22 фоизга кўпдир. 2015 йилдаги кўрсаткич билан солиштирганда эса жорий йилги маълумотлар рекорд натижани ташкил этади. Шундай қилиб, айнан Россия МБ бошқа давлатлар ташкилотларига қараганда



энг кўп, яъни 92,2 тонна захирасини сотиб олган. Россия МБ жами олтин захирасининг умумий ҳажми сентябрь ойида деярли 2 минг тонна (тахминан 77,26 миллиард АҚШ доллари) ни ташкил этган бўлса, ноябрь ойига келиб унинг ҳажми 2 минг тоннадан ортди.

Россиядан кейинги ўринни иқтисодиётида айрим қийинчиликларга учраётганига қарамай ўз олтин захирасини тўлдиришга интилаётган мамлакат Туркиядир. 2018 йил учинчи чораги давомида Туркия Марказий банки 18,5 тонна қимматбаҳо металлни қўлга киритди.

Ўз навбатида бошқа мамлакатлар Марказий банклари ҳам ўз олтин захирасини тўлдирмоқда: Қозоғистон МБ 3,4 тонна; Ҳиндистон МБ 13,7 тонна; Польша МБ 13,7 тонна олтинни сотиб олди. Венгрия Марказий банки маълумот беришича, мамлакатнинг умумий олтин захираси 2018 йилнинг иккинчи чорагига нисбатан 10 баробар кўпайди, яъни унинг ҳажми 3,1 дан 31,5 тоннага етди. Талаб ҳақида сўз борадиган бўлса, унинг улуши 13 фоиз ортди (деярли 834 тоннага етди). Харидорлар имкон қадар кўпроқ заргарлик маҳсулотлари, инвестициявий танга ва қўйма олтинларни сотиб олмоқда.

Айниқса, Ҳиндистон (10 фоиз, деярли 149 тонна), Хитой (10 фоиз, қарийб 174 тонна) ва Шимолӣ-шарқий Осиёда тилла буюмларга бўлган қизиқиш ортган.

ШАНХАЙДА ХОРИЖИЙ
БАНКЛАР КРЕДИТЛАШНИНГ
АСОСИЙ МАНБАСИГА
АЙЛАНМОҚДА

The Parer нашри маълум қилишича, Шанхайдаги хорижий банклар кредит ажратиш бўйича маҳаллий банклардан илгарилаб кетди.

Хитой Марказий банкининг Шанхай бўлинмаси томонидан тайёрланган маълумотларга кўра, октябрь ойида юан ҳамда хорижий валюталарда ажратилган янги кредитларнинг ҳажми 19,40 млрд юан (2,79 млрд АҚШ доллари)га ортган. Хитой банклари томонидан ажратилган янги кредитлар ҳажми эса 7,44 млрд юанга, йиллик ҳисобда 52,04 млрд юанга қисқарган. Айни пайтда хорижий банкларнинг кредитлари 27,98 млрд юанга етган. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,99 млрд юан кўп дегандир.

Октябрь ойида миллий валютадаги янги кредитлар ҳажми 1,64 млрд юанга қисқарган бўлса, йиллик ҳисобда ушбу кўрсаткич 41,33 млрд юанни ташкил этди. Хорижий кредитлар кредитлар ойига 1,92 млрд АҚШ долларига ортган, йиллик ҳисобда эса 1,06 млрд АҚШ долларига ўсган.

Кейинги пайтларда Хитой ҳукумати хусусий секторни етарли даражада молиялаштириш, хусусан ликвидлик муаммосига дуч келаётган катта бўлмаган фирмаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳукумат IV чорақда йирик тижорат банклари томонидан кичик ва микро ташкилотларга ажратиладиган кредитларнинг ўртача фоиз ставкасини 1 фоизга қисқартиришга ваъда берди. Айни пайтда кредит ажратаётган банкларни рағбатлантириш ва молиялаштириш доирасини кенгайтириш зарурати ҳақида ҳам сўз юритилмоқда. Бунинг учун банклардан кредит тақдим этиш шартларини нисбатан юмшатиш ҳамда кредит бизнесига оид иш ҳақи ва ички баҳолаш тизимини қайта қўриб чиқиш талаб этилади.

Бундан ташқари, ХХРда кредитлашни асосий равишда қисқартирадиган банкларга нисбатан чора кўрилиши ҳамда уларни молиялаштириш жараёни соддалаштирилиши ва қўшимча харажатлар қисқартирилиши кутилмоқда.

Германия 2018 йил учун
тайёрланган башоратни
қайта кўриб чиқди

Жорий йил учинчи чораги натижаларидан келиб чиқиб, Германия ҳукумати ва молиявий институтлар 2018 йил иқтисодиёти ўсиш суръати бўйича тайёрланган башоратни қайта кўриб чиқди. Яъни аввал жорий йилда ўсиш суръати 2,3 фоиз бўлиши тахмин қилинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 1,6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. 2019 йилда ўсиш суръати 1,5 фоизга тенг бўлиши мумкин.

Германия иқтисодиётининг қисқариши 3,5 йил давомида илк марта ба кузатилган.

The Wall Street Journal нашри томонидан ўтказилган сўровномада иштирок этган иқтисодчиларнинг фикрига кўра, Европанинг ривожланган давлатларидан бирига тегишли иқтисодиёт тез орада ўнгланади. Бироқ унинг ўсиш суръатига бир қатор таваккалчиликлар хавф туғдирмоқда.

Financial Times таъкидлаганидек, немис иқтисодиётининг ўсиш суръатига автомобиль ишлаб чиқарувчиларга нисбатан зарарли чикиндилардан қутулиш бўйича белгиланган янгича меъёрлар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Аввалроқ Daimler ва Volkswagen компаниялари янгича экологик стандартларга мувофиқ сертификатни қўлга киритган янги турдаги автомобиллар туфайли башорат қилинган фойдага эга бўлмаганди.

Автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг муаммоси бўлмаган тақдирда ҳам Германия иқтисодиёти Хитойдаги талаб қисқариши ҳисобига юқори натижани кўрсатмас эди, — деди Commerzbankнинг бош иқтисодчиси Йорг Крэммер.

Германия Европа иқтисодиётининг асосий ўсиш двигатели саналади. Еврохудуд мамлакатларининг қўшма ЯИМ кўрсаткичи учинчи чорақда 0,7 фоиз (йиллик ҳисобда) ўсган.

Американинг йирик банкларидан бири PNC Bank илк марта синов тариқасида ўзгариб борадиган CVV-кодли тўлов картасини муомиллага чиқарди.

МАЪЛУМОТЛАРИ ЎЗГАРИБ
БОРАДИГАН БАНК КАРТАЛАРИ
СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Пластик картанинг орқа томонида кичик электрон дисплей ўрнатилиб, вақти-вақти билан ўзгариб борадиган уч рақамли хавфсизлик коди кўриниб туради.



Маълум бўлишича, бундай инновацион карталар аввалига PNC газначилик департаментида фаолият юритадиган тижорий фойдаланувчиларга тақдим этилади. Кенг миқёсда эса 2019 йил январдан фойдаланилади. PNC Visa тўлов тизимининг CVV2-кодида эга пластик карталардан фойдаланади. Синов тариқасида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида банк Idemia компанияси билан ҳамкорлик ўрнатмоқда. Мазкур компания хавфсизлик ва идентификациявий воситаларни қўллаш соҳасида дунёнинг етакчи ташкилотларидан бири ҳисобланади.

Банкоматларнинг хавфсизлик кодларини эмас, балки ўзини жисмонан бузиш ҳолатлари ҳақиқий хавф сифатида қайд этилмоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дастурий таъминотларни ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган Positive Technologies халқаро компанияси маълум қилишича, аксарият банкоматлардан маблағларни ўғирлаш ва мижозларнинг банк карталарига оид маълумотларни тарқатиб юбориш мушкул эмаслиги аниқланди. «Банкоматларга қарши мантиқий ҳужум сценарийси» номи билан юритилган тадқиқотлар доирасида NCR, Diebold Nixdorf ва GRGBanking сингари компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган 26 турдаги банкоматлар ўрганилди. Сўровномада иштирок этган банк мутахассислари қайд этилаётган хавф мавжудлиги, бироқ хавф саромига тушадиган даражада эмаслигини маълум қилишди.

Уларнинг фикрича, энг самара-

ли ва хавфли ҳужумлардан бири бу банкоматни жисмонан куч ишлатиш орқали бузиш саналади. Деярли ҳар қандай сейфи 3 дақиқада бузиш мумкинлиги ачинарлидир. Аксарият йирик банклар аллақачон банкоматларга нисбатан уюштирилаётган мантиқий ҳужумларга қарши курашининг уддасидан чиқмоқда.

— Хавфсизлик хизмати тегишли худудлардаги мижозларнинг шубҳали хатти-ҳаракатларини кузатиб боради. Масалан, бирор бир мижознинг банкомат атрофида айлана-верилиши қаттиқ назоратга олинади. Бундан ташқари, банк тармоқларни қайта улаш давомида эшитиладиган овозлардаги узилишларни қайд этиб боради, — дейди мутахассислардан бири. Унинг айтишича, банкоматга ҳужум уюштирилган тақдирда ўртача беш дақиқада тегишли соҳа вакиллари ўша ерда пайдо бўлади.



Мисол учун, Россиядаги Сбербанк хавфсизлик хизмати банкоматдаги нақд пуллар янгича усулда ўғирланаётганини сезиб қолди. Яъни фирибгарлар пулларни «махсус компьютер шинаси» ёрдамида олиб қўйиш кузатилди. Бу ўринда гап NCR компаниясига тегишли эски русумдаги банкоматлар ҳақида бормоқда. Махсус ускуна ёрдамида банкоматнинг нақд пулларни бошқариш имконига эга қурилмани бузиш ҳолатлари қайд этилган.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Паррандачилик янада ривожлантирилади

Жорий йилнинг 11 ноябрь куни Президентимизнинг “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Кредитлар фоизларнинг бир қисмини компенсация қилиш билан

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг устав капиталидаги давлат улуши Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан эквиваленти \$50 млнга (эквивалентда) оширилади. Бу пуллардан паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида бошқа тижорат банклари ҳам кредитлар ажратиш учун фойдаланилади.



Бунда бизнесга ушбу кредитлар бўйича фоизларнинг бир қисми Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация қилинади. 2019-2020 йилларда молиялаштирилаётган лойиҳанинг ҳажми ва валюта туридан қатъи ноз, компенсация миқдори куйидагича бўлади:

- айланма маблағларни тўлдиришга (инкубацион тухумлар, 1 кунлик жўжа, озуқа маҳсулотлари, дори-дармон ҳамда қўшимча компонентлар ва бошқалар) - банк томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 25% миқдорда, аммо кредит ставкасининг 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда;

- насли она товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, паррандачилик кластерларини ва инкубация цехларини ташкил қилиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника ва бошқа асосий воситаларни харид қилиш ҳамда барпо этиш учун - банк томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 50% миқдорда, аммо кредит ставкасининг 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Паррандачилик кластерлари – хар бир ҳудудда

Босқичма-босқич барча ҳудудда парранда етиштириш, уни қайта ишлаш ва якуний тайёр маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиға етказиш жараёнини тўлиқ қамраб олган паррандачилик кластерларини ташкил этишни (2019 йилда 13 та) бошлайдилар. Салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини, молиялаштириш манбаларини ва ер майдонларини аниқлаган ҳолда манзилли дастур 2019 йил 1 февралга қадар муддатда ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи хавф ва муҳим назорат нуқталарини таҳлил қилиш (“НАССР”), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (“ISO”) ва “Halal” стандартлари талабларини инobatта олган ҳолда, паррандачилик корхонасини технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ва парранда маҳсулотларини халқаро тан олинган сертификатлаштириш ишлаб чиқилади.

Божхона имтиёзлари

2021 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

- насли она товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, парранда етиштиришни ташкил этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, инкубация цехларини ташкил этиш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асосий воситалар;


- чет эл ташкилотлари ва унинг шўъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан паррандачилик хўжаликлари эҳтиёжи учун четдан келтирадиган парранда озуқа ва озуқа қўшимчалари, ветеринария препаратлари, диагностика умумлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Қўшимча преференциялар

Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг муносиб амалиёти (GMP – Good Manufacturing Practice) сертификатларига эга бўлган паррандалар учун чет эл вакцина ва биопрепаратлари мамлакатимизда қўшимча мувофиқлик сертификатларисиз тан олинади.

Иккинчидан, паррандачилик хўжаликлари томонидан импорт қилинаётган ем бўладиган дон темир йўл орқали истисно тариқасида, МДХ темир йўллари тариф сиёсатининг 35%идан кўп бўлмаган миқдорда чегирма билан ташлади.

Учинчидан, айрим паррандачилик хўжаликлариға дон маҳсулотларини ЎзРТХБ биржа савдоларида харид қилишга рухсат бердилар. Уларнинг рўйхати “Паррандасаноат” уюшмаси томонидан солиқ ҳамда ветеринария ҳисоботларида акс этган парранда бош сонидан, шунингдек дон маҳсулотларининг тасдиқланган меъёрларидан келиб чиқиб тузилади. Рўйхат уюшмасининг сайтыда жойлаштириб борилади.



Янги илмий-диагностика маркази

“Паррандасаноат” уюшмаси ҳузурида замонавий илмий-диагностика лаборатория маркази ташкил этилади. У барча парранда хўжаликлариға хизмат кўрсатади. Унинг вазибалари жумласида – паррандаларни озиклантириш учун илмий асосланган меъёрларни ишлаб чиқиш, уларнинг касалликларига қарши курашиш механизмининг ўрганиш, барча турдаги парранда гўшти ва тухум маҳсулотларини қайта ишловчи технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Марказ Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Тинчлик массивидаги 1 гектар майдонда жойлаштирилади.

Ҳисобот йили якунлари бўйича 1 млрд. сўмдан ортиқ товар айланмасига эга бўлган ёки уни қутаётган тадбиркорлар 2019 йил 1 январдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишлари зарурлиги ҳақида шахсан хабардор қилинади, дея хабар берди Давлат солиқ қўмитаси.

ДСҚ умумбелгиланган солиқларга ўтказганлиги ҳақида шахсан хабардор қилади

Эслатиб ўтаемиз, 29.06.2018 йилдаги ПФ–5468-сон Фармонга мувофиқ, ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (ялли тушуми) 1 млрд. сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

Хабарномалар солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетлари (электрон равишда), почта орқали ёки қўлларига топширилади.

Хабарномада ҳар бир ишловчи субъектга солиқ солишнинг янги тузилмаси кўрсатилади:

- солиқлар бўйича ҳисоботлар;
- солиқларнинг ҳисоблаб чиқарилиши;
- солиқларни тўлаш муддатлари;
- электрон ҳисоботдан фойдаланиш ва ҳисобварақ-фактураларни айирбошлаш;

• бухгалтерлар мавжуд бўлиши заруратини белгилаш.

Хабарнома олган тадбиркорлар жорий йилнинг 12 ноябридан 12 декабрга қадар ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт. Буни ДСҚ сайтыдаги солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёки солиқ ҳисобига олинган жойдаги давлат солиқ инспекциясида амалга ошириш мумкин.

Call-марказга: 71 202-32-82 рақамига ёки 1198 қисқа рақамига қўнғироқ қилиб, солиқ қонунчилиги нормаларини қўллашга доир қўшимча саволларингизни беришингиз мумкин.

2017 йилги (базавий сифатли) пахтанинг бошланғич нархи – жаҳондагисидан 15%лик чегирма билан

Пахта толасини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 12.11.2018 йилдаги 923-сон қарори) қўшимча киритилди.

Бунда пахта толасини қайта ишлаш бўйича зарур ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган маҳаллий тўқимачилик ва бошқа корхоналар хариддорлар сифатида иштирок эта оладиган савдолар ҳақида сўз бормоқда. Ушбу далил туман (шаҳар) ҳокимликларининг тавсияси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Эслатиб ўтаемиз, биржадаги пахтанинг барча навлари, класслари, типлари ва кодлари бошланғич нархи базавий сифатли (“Биринчи” нав, “Ўрта” классли, 4 тип) ўзимизда ишлаб чиқарилган пахта толасининг жаҳондаги нархларига боғлиқ. Сотувчилар биржадаги навбатдаги савдолардан олдинги кунда пахта толасининг мазкур тури бўйича “Cotton Outlook” бюллетенида эълон қилинадиган котировкалар (CFR – Узоқ Шарқ портлари етказиб бериш шартларида “А” индекси) билан ҳар қуни танишиб чиқадилар. “Биринчи” нав, “Ўрта” классли, 4 типдаги тола аввалбошдан ички бозорда 10%лик чегирма билан савдога қўйилади. Қабул қилинган ҳужжатда белгиланишича, 2017 йилги ҳосил қолдиқлари учун бошқа чегирма – 15% қўлланилади.

Бошқа турдаги пахта толасининг бошланғич нархини ҳисоблаш учун эса, илгаригидек, Пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловада кўрсатилган коэффициентларни қўллаш лозим. Бунда пахта нархи базавий сифатли пахта толаси бўйича котировкалардан юқори бўлиши мумкин эмас.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 13.11.2018 йилдан кучга кирди.

ТИЗИМ ҲУЖЖАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда 1948-16-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси
Тошкент ш.,
2018 йил 22 сентябрь,
30/8-сон.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 22 сентябрдаги
30/8-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 7-банд куйидаги мазмундаги олтин-хатбоши билан тўлдирилсин:

"Банклар томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларидан ҳужжатларга

муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлашни талаб этиш тақиқланади."

2. 8-банднинг иккинчи хатбоши "тақдим қилинади" деган сўзлардан кейин "таъсисчилари резидент жисмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида масофадан туриб ҳисобварақ очиш ҳолатлари бундан мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Куйидаги мазмундаги 82-банд билан тўлдирилсин:

"82. Таъсисчилари резидент жисмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварағини масофадан туриб очиши мумкин.

Банк ҳисобварағини очиш банк ҳисобварағи шартнома офертасини акцептлаш йўли билан тузилади.

Мазкур юридик шахслар томонидан тўловлар ушбу йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари қўйилган икки дона варақча ҳамда юридик шахс номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) тақдим этилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан нусха олиниб, асли қайтариб берилади."

4. 12-банднинг "б" кичик бандидан "ва муҳр изи" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 13-банднинг "в" кичик бандида "3-илоvasида" деган сўзлар "3а-илоvasида" деган сўзлар билан ал-

маштирилсин.

6. 14-бандда:

"в" кичик банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"в) тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мазкур йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари қўйилган икки дона варақча;"

куйидаги мазмундаги "в1" кичик банди билан тўлдирилсин:

"в1) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар учун мазкур йўриқноманинг 3а-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча."

7. 33-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Тадбиркорлик фаолияти субъектлари номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсларнинг имзо намуналари тақдим этилади."

8. 35-банддаги "муҳр мавжуд бўлган тақдирда" деган сўзлар "тадбиркорлик фаолияти субъектларидан муҳр қўйиш талаб этилмайди" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 36-банднинг учинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Мазкур банд талаблари тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди."

10. 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-илоvasига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

11. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-илоvasига мувофиқ тахрирда 3а-илова билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга

1-ИЛОВА

"Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага

3-ИЛОВА

Олд томони

Имзолар намуналари қўйилган
ВАРАҚЧА
(тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун)

БАНК БЕЛГИСИ

Ҳисобварақ эгаси _____
(тўлиқ номи)

Имзолар намуналарини қабул қилишга
рухсат берилди

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
бошқариш вазифаларини амалга
оширувчи шахс _____
(имзо)

Манзили: _____

Сана: 20 ____ йил « ____ »

БОШҚА БЕЛГИЛАР

Орқа томони

(ҳўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Ҳисобварақ рақами _____

Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо намуналари
Биринчи имзо		
Иккинчи имзо		

Биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқидан
вақтинча фойдаланувчи мансабдор
шахсларнинг ваколат муддати

Ваколат ва имзоларни тасдиқлайман _____
(Юридик шахс раҳбари) (Ф.И.О. ва имзо)

Берилган чек دفترчалари		
Сана	№ дан	№ гача

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга

2-ИЛОВА

"Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага

3а-ИЛОВА

Олд томони

Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган
ВАРАҚЧА

БАНК БЕЛГИСИ

Ҳисобварақ эгаси _____
(тўлиқ номи)

Имзолар намуналарини қабул қилишга
рухсат берилди

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
бошқариш вазифаларини амалга
оширувчи шахс _____
(имзо)

Манзили: _____

Сана: 20 ____ йил « ____ »

БОШҚА БЕЛГИЛАР

Орқа томони

(ҳўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Ҳисобварақ рақами _____

Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо намуналари
Биринчи имзо		
Иккинчи имзо		

Биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқидан
вақтинча фойдаланувчи мансабдор
шахсларнинг ваколат муддати

Ваколат ва имзоларни тасдиқлаган ҳўжалик юритувчи
Юритувчи субъект муҳрининг ўрни
Тасдиқлайман _____
(Юридик шахс раҳбари) (Ф.И.О. ва имзо)

Берилган чек دفترчалари		
Сана	№ дан	№ гача

СТАТИСТИКА

Республика Товар-хомашё биржасида
2018 йил 12 ноябрдан 16 ноябргача кўтировка
биржа (ички бозор) маҳсулотларининг кўтировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Соса-Cola 1,5L қадоқланган 12 ПЭТ 1,5л (дона)	34 554	▼	-1	0,0%
Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган по 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 554	▼	-1	0,0%
Автобензин АИ-80	4 390 143	▲	5 918	0,1%
Автобензин АИ-91	6 399 115	▲	674 246	11,8%
Автобензин АИ-95	9 120 000	▼	-663 122	-6,8%
Азот-фосфорли калий NPK 10:10:10 (қопда)	1 580 000	—	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	1 254 166	▲	2 415	0,2%
Аммиак селитра "А" (қадоқланмаган)	1 044 339	▲	1 307	0,1%
Аммофос 46:10 (қопда)	2 595 532	—	0	0%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 484 501	▼	-1 112	0,0%
Бетон қоричмаси БСТ В15 М-200 (куб.м)	380 000	—	0	0%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 032 371	▼	-115 827	-2,8%
Дизель ёқилғиси	7 484 924	▼	-603 901	-7,5%
Дизель ёқилғиси ЭКО	8 157 669	▲	456 149	5,9%
Сўндирилмаган оҳак 1-нав (қопда)	601 800	—	0	0%
Карбамид "А"(қадоқланмаган)	1 068 220	—	0	0%
Квадрат 20 ст 0 СП	5 682 900	—	0	0%
Техник керосин	6 990 000	▲	565 825	8,8%
Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70%	6 440 352	—	0	0%
Нефть кокси	1 447 780	▼	-221 795	-13,3%
Ем аралашмаси	1 249 275	▲	495	0,0%
Доира 100 ст 3 СП	5 639 846	▲	847	0,0%
Линт 1-нав тип Б (олий класс)	3 341 239	▲	8 245	0,2%
Линт 2-нав тип Б (олий класс)	2 843 470	—	0	0%
Лист г.к 16,0x1500x6000 мм 3 сп пс 5	8 350 000	—	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	9 797 669	▲	39 308	0,4%
Саноат мойи И-50А	6 817 474	▲	676 271	11,0%
Мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15W40APICI-4 (литр)	26 200	—	0	0%
Писта ёғи	6 398 802	—	0	0%
Рулонли фольгасиз гидроизоляцияцион том ёлиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (кв.м)	4 000 000	—	0	0%
Мис урамаси	54 128 086	▲	1 546 771	2,9%
Бугдой уни, 1-нав	966 613	—	0	0%
Бугдой уни, олий нав	2 495 474	▲	104 100	4,4%
Хўжалик совуна, 70% (дона)	2 683	▲	355	15,2%
Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қопда)	2 887 200	—	0	0%
Полипропилен J-550S	12 483 926	—	0	0%
Полиэтилен F-0120	17 065 416	—	0	0%
Портландцемент ССПЦ М-400 Д20 (қопда)	535 693	▼	-17 293	-3,1%
Сим 6,3 ст 3	7 970 452	▲	5 114	0,1%
Ем учун дон 3-класс	1 856 611	▲	105 572	6,0%
Ем учун дон 4-класс	1 847 139	▲	157 413	9,3%
Ем учун дон 5-класс	1 645 089	▼	-6 741	-0,4%
Шакар (импорт)	4 350 000	▼	-50 000	-1,1%
Суўлтирилган газ	4 750 688	▲	169 321	3,7%
Мойли солидол смазка	12 600 000	—	0	0%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	1 385 717	▼	8 451	0,6%
Техник туз	350 000	▼	130 000	59,1%
Алюминий қотишмалари АК7	15 065 847	▲	0	0%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 620 834	▲	20 834	0,3%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 850 000	—	0	0%
Сайқаланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	21 428	▼	-1 519	-6,6%
Шиша банка 3 л (дона)	2 127	▲	112	5,6%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	766 608	—	0	0%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	8 572 488	—	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	802 400	—	0	0%
Труба 114x4 (метр)	86 254	—	0	0%
Пўлат квадрат труба 125x125-4,0 мм (метр)	119 995	—	0	0%
Бурчак 35 ст 3 СП	5 989 999	▲	12 929	0,2%
Кўмир СССШ-13	316 326	▲	6 296	2,0%
Швеллер 12	8 890 000	—	0	0%
Пахта чигити шелухаси	1 340 026	▼	-10 488	-0,8%
Шифер 8 тўлқинли	32 654	▲	0	0%
Шрот (кунгабоқар)	2 405 406	▲	0	0%
Шрот (соя)	6 500 000	▲	2 200 000	51,2%
Пахта чигити шроти (кунжараси)	2 120 486	▼	-4 476	-0,2%
Арпа	1 350 000	—	0	0%

* Маҳсулотлар котировкаси охириги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингиди ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варагидан чиқарилади.


Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил 20 ноябрдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 277,53	▲	6,26	0,08%
1 Евро	9 451,28	▲	76,62	0,82%
1 Россия рубли	125,56	▲	3,77	3,10%
1 Англия фунт стерлинги	10 625,87	▼	-105,28	-0,98%
1 Япония иенаси	73,37	▲	0,70	0,96%
1 БАА дирхами	2 253,74	▲	1,71	0,08%
1 Афғонистон афғониси	109,26	▼	-0,44	-0,40%
1 Арманистон драми	17,12	▲	0,10	0,59%
1 Аргентина песоси	230,59	▼	-3,26	-1,39%
1 Австралия доллари	6 070,74	▲	95,57	1,60%
1 Озарбайжон манати	4 889,27	▲	3,70	0,08%
1 Бангладеш такаси	99,01	▼	-0,49	-0,49%
1 Болгария леви	4 834,44	▲	39,22	0,82%
1 Баҳрайн динари	21 969,13	▲	13,11	0,06%
1 Бруней доллари	6 033,62	▲	35,16	0,59%
1 Бразилия реали	2 211,23	▼	-4,25	-0,19%
1 Беларусь рубли	3 930,45	▲	47,22	1,22%
1 Канада доллари	6 298,05	▲	36,21	0,58%
1 Швейцария франки	8 280,01	▲	52,35	0,64%
1 Хитой юани	1 193,30	▼	4,10	0,34%
1 Куба песоси	8 277,53	▲	6,26	0,08%
1 Чехия кронаси	363,91	▲	1,91	0,53%
1 Миср фунти	463,47	▼	-1,47	-0,32%
1 Грузия лариси	3 147,35	▼	49,50	1,60%
1 Венгрия форинти	29,41	▲	0,23	0,79%
1 Исроил шехели	2 236,69	▲	-16,26	-0,72%
1 Ҳиндистон рупийси	115,01	▲	0,88	0,77%
1 Эрон риали	0,20	—	0,00	0,00%
1 Қирғизистон соми	118,76	▼	-0,20	-0,17%
1 Жанубий Корея вони	7,39	▼	0,07	0,96%
1 Кувайт динари	27 238,57	▼	-0,02	0,00%
1 Қозғистон тенгеси	22,40	▼	0,23	1,04%
1 Малайзия ринггити	1 975,54	▼	-4,18	-0,21%
1 Польша злотийси	2 190,40	▲	3,51	0,16%
1 Сингапур доллари	6 033,62	▲	35,16	0,59%
1 Тожикистон сомони	878,85	▲	0,78	0,09%
1 Туркменистон манати	2 371,79	▲	1,80	0,08%
1 Янги турк лираси	1 552,77	▲	37,77	2,49%
1 Украина гривнаси	298,45	▲	1,40	0,47%
1 СДР	11 442,20	▼	-10,36	-0,09%

ЎзРВБ савдоларида АҚШ долларининг
сўмга нисбатан ўрнатилган
курси динамикаси

Сана	USD/UZS			
	курс	динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 й. 19 октябрь	8237,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 22 октябрь	8234,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 23 октябрь	8239,0	▲	5,00	0,06%
2018 й. 24 октябрь	8236,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 25 октябрь	8242,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 26 октябрь	8237,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 29 октябрь	8245,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 30 октябрь	8249,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 31 октябрь	8247,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 й. 1 ноябрь	8255,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 2 ноябрь	8259,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 5 ноябрь	8266,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 6 ноябрь	8273,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 7 ноябрь	8266,0	▼	-7,00	-0,08%
2018 й. 8 ноябрь	8275,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 9 ноябрь	8272,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 12 ноябрь	8278,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 13 ноябрь	8271,0	▼	-7,00	-0,08%
2018 й. 14 ноябрь	8280,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 15 ноябрь	8276,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 16 ноябрь	8283,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 19 ноябрь	8291,0	▲	8,00	0,10%

Yandex. Mahalla хизмати иш бошлади



Пойтахтимизда Yandex.Mahalla хизмати иш бошлади.

Ўзаро фикр алмашиш хизмати бўлмиш мазкур онлайн платформа орқали ҳамюртларимиз қўшнилари билан ўзлари яшайдиган туман янгиликларини муҳокама қилишлари, эълонлар жойлаштиришлари, яқин атрофдаги қизиқарли ҳодисалардан хабардор бўлишлари мумкин.

Айтиш жоизки, бундай хизмат ҳозиргача фақат Россияда йўлга қўйилган бўлиб, унинг номи — Yandex.Rayon.

— Тошкент “Яндекс”нинг шу каби сервиси фаолиятини бошлаган Россиядан ташқаридаги биринчи шаҳарга айланди. Хизматни Ўзбекистонда ишга тушириш вақтида биз биринчи навбатда маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олдиқ: масалан, ҳам ўзбек тилида, ҳам рус тилида ёзиш имкониятини қўшдик, шунингдек, майдонларга маҳаллий номларни бердик, — дейди компаниянинг Ўзбекистондаги ҳудудий дирек-

тори Евгений Лукьянчиков.

Эндиликда туман ҳокимликлари ҳам Yandex.Mahallaда ўзларининг расмий ҳисоб қайдномаларини юритадилар, пойтахт ҳокимияти қошидаги Жамоатчилик кенгаши эса фойдаланувчиларга вақтида жавоб бериш учун қайдларни кузатиб борадилар. Шу йўл билан Тошкент аҳолисининг маҳаллий муаммолар ҳақида шаҳар мутасаддиларига муурожаат қилиши ҳам осонлашди. Масалан, йўл қачон таъмирланиши ёки болалар боғчаси қачон очилиши ҳақидаги саволлар.

Хуллас, инсонларни ўзаро яқинлаштирувчи мазкур онлайн платформа орқали бирор буюмни сотиш, иш қидириш, иш таклиф қилиш жараёни ҳам анча осонлашадиган бўлди. Айниқса, чегирамалар, янги товар ва хизматлар ҳақида миқозларини бохабар этишни истаган тадбиркорлар учун ушбу хизмат қўл келиши аниқ.

ЎЗА

Хитойдан қиммат стартап ёхуд янги инстаграм

nytimes.com сайтининг хабар беришича, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари қисқа мусиқий лавҳалар билан бойитилган TikTok иловасига қизиқиш билдиришмоқда. Бироқ 75 миллиард доллар капитализацияга эга стартапнинг келажаги ҳақида ёрқин фикрлар билдиришга ҳали эрта.

Шу кунларда Чин халқи орасида оммалашиб бораётган, рақсга тушиб, фонограмма орқали қўшиқ куйлаш имкониятини тақдим этувчи, қисқа мусиқий лавҳаларни тармоққа юклаш “вазифаси”нинг урдасидан чиқадиغان TikTok яратилди. У Instagram ўрнини босиши кутилмоқда.

Онлайн бўлгучи 800 миллион хитойлик фойдаланувчиларнинг айни пайтда тармоқдаги тахминан 9 фоиз вақти TikTok’да ўтмоқда. Илованинг деярли барча акциялари 2012 йили 29 ёшли муҳандис Жа Имин асос солган Bytedance компаниясига тегишли. Илова ҳар куни 500 миллион-



га яқин янги фойдаланувчиларни ўзига жалб этмоқда. 2018 йил биринчи чорак якунига кўра, TikTok энг кўп юклаб олинган иловалар рўйхатида пешқадамга айланди. Аслида TikTok форматидagi мобил илова аллақачон АҚШда оммалашгани. 2014 йили ас-

ли хитойлик ишбилармон Алекс Чжу ва Луи Ян Musical.ly мусиқий хизматига асос солиб, таълимга оид дастурни яратишмоқчи бўлганди. Аммо метро вагониди ўсмирларнинг бир-бирига мусиқа оҳанглари остида селфи-видео юбораётганини кўрган Чжу илованинг мақсад ва функцияларини ўзгартиришга қарор қилди. Орадан вақт ўтиб, Musical.ly 100 миллиондан ортиқ фойдаланувчи эга бўлди.

2018 йилда Bytedance 800 миллион доллар эвазига Musical.ly’ни сотиб олди. Шундай қилиб, Хитой стартапи бошқа хитойликлар яратган илова орқали АҚШ ва Европа бозорига кириб

бормоқда.


Facebook эса TikTok форматидagi Lasso иловасини тақдим этди. Бироқ Хитойдаги кучли цензура ҳолати сабаб тадбиркорлар иловадан тижорий мақсадларда фойдаланишгача йўқ.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган “AstanaHub” халқаро IT-стартаплар технопарки тақдими доирасида Huawei компанияси Марказий Осиё минтақасида навбатдаги инновацион демо-марказни ишга туширди. “Киберхавфсизлик”, “E-Government” ва “Ақлли шаҳар” каби йўналишлар рақамли сессиянинг асосий мавзуларига айланди.

“Huawei”дан навбатдаги инновацион део-марказ

— Huawei компанияси жамият ва саноатдаги рақамли трансформацияни йўлга қўйишда яхши ҳамкор бўлишга интилади. Шу боис инновацион марказнинг очилиши ишимиздаги муҳим босқич ҳисобланади, — дейди “Huawei Technologies Kazakhstan” бош директори Чжан Цинго. — Биз мамлакат ҳукуматининг “Рақамли Қозоғистон” давлат дастурида белгиланган барча вазифаларни бажариши ва кўзланган мақсадларга эришишига ишонимиз ҳамда Марказий Осиё ва бутун жаҳонда бу йўналишда рақобатбардошликни ошириш учун ёрдам кўрсатишга тайёрмиз. Бу биз учун шунчаки бир лойиҳа эмас, балки Қозоғистон IT-бозорига узоқ муддатли инвестиция, мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш йўлида интеллектуал ҳиссадир.



Huawei компаниясининг худди шундай инновацион маркази 2016 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонда очилган эди. Бундай марказларни яратишдан кўзланган асосий мақсад технологик экотизимни ишлаб чиқиш бўлиб, унинг доирасида компания ҳамкорлари, буюртмачилар ва IT соҳасининг келажак мутахассислари Huawei томонидан яратилган муҳандислик ресурсларидан фойдаланиши, шунингдек, улар билан биргаликда компания миқёсида корпоратив ечимларни тайёрлаш ва синовдан ўтказиш кўзда тутилган. Бу каби ёндашув демо-марказларнинг асосий хусусияти саналади ва буюртмачиларнинг талабларига сезиларли даражада тўлиқроқ жавоб бера олади.

Инновацион марказларнинг энг муҳим ривожланиш йўналишлари ва тадқиқотлари орасидан: молия сектори, транспорт, энергетика, нефть ва газ, “хавфсиз шаҳар” ҳамда “ақлли уй” лойиҳалари доирасидаги ижтимоий хавфсизлик ва алоқа операторларига мўлжалланган ечимлар ўрин олган.

Google’нинг дастурчилар фестивали илк бор Ўзбекистонда ўтказилади



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот хизматининг маълумотларига кўра, Google Developers Group (GDG)нинг асосий тадбирларидан бири бўлмиш GDG-DevFest дастурчилар фестивали илк бор Ўзбекистонда бўлиб ўтади.

GDG-DevFest фестивали Google Developers Group жамоалари томонидан ҳар йил ўтказиладиган глобал тадбирлардан биридир. Ушбу тадбир доирасида дастурчилар, IT-мутахассислар ва янги технологияларга бефарқ бўлмаган одамлар Google компаниясининг сўнгги технологиялари ва ишланмалари билан танишди.

Фестиваль иштирокчилари блокчейндан фойдаланиш, мобил иловаларни яратиш, VR/AR технологияларини бизнесга ишлатиш ва бошқа мавзулардаги муҳокамаларда иштирок этадилар.

Фестиваль 24 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги Инҳа университетда ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Туризм соҳасидаги халқаро инвестицион форум

“ЎзэкспоМарказ”да 19-21 ноябрь кунлари мамлакатимизда туризм саноатини жадал ривожлантириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга бағишланган Туризм соҳасидаги биринчи халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш ва Инвестициялар бўйича давлат кўмиталари томонидан мамлакатимиз Ташқи ишлар, Ташқи савдо вазирликлари ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Форумда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Австрия, Бельгия, Россия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Малайзия, БАА, Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон каби жами 48 мамлакатдан 300 дан зиёд иштирокчи, шунингдек, халқаро ташкилотлар, йirik хорижий компаниялар вакиллари қатнашди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳақимов, Туризм орқали тинчлик халқаро институти қошидаги Халқаро маслаҳат кенгаши раиси Т.Рифаи, ЕТБнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари А.Дракинос, Халқаро молия корпорациясининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари К.Колберт ва бошқалар Ўзбекистоннинг



фаоллигини ошириш, жумладан, сайёҳлик соҳасидаги ишбилармонларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, лицензиялаш ва сертификатлаштириш тартиби ҳақида маълумотлар берилди.

туризм соҳасидаги салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда жаҳон туризм бозорида тарғиб қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мазкур форум халқаро ишбилармон доира вакилларини мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари, иқтисодий ривожланиш даражаси билан яқиндан таништириш, ишбилармон доира вакиллари ва сармоядорлар учун қулай бизнес шароитини яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби ўринбосари Хаиме Альберто Кабалнинг форум иштирокчиларига видеомурожаати намойиш этилди ҳамда форум иштирокчиларига тадбиркорларнинг инвестиция соҳасидаги

Тадбирда АҚШ, Хитой, Жанубий

Корея, Буюк Британия, Нидерландия, Сингапур ва Туркия каби давлатлардаги йirik хорижий инвестиция компаниялари мамлакатимизда турли инфратузилма объектларини барпо этишда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга қизиқиш билдирди.

Халқаро савдо марказида ўтган (ITC) форумнинг сессия йиғилишларида меҳмонхона бизнесига инвестиция киритиш, сармоа ажратиш мажбуриятлари бўйича бино ва иншоотлар, ер майдонлари беришни кўзда тутувчи лойиҳа тақлифлари муҳокама қилинди. Транспорт ва логистика йўналишлари, “лоукостер” авиакомпаниялар ва темир йўл транспорти, шунингдек, мамлакатимизда этноқишлоқлар, тематик боғлар қуриш бўйича хорижий ва маҳаллий экспертларнинг маърузалари тингланди. Туризм соҳасида инновацион технологиялар ва интерфаол тизимни жорий этиш истиқболлари юзасидан икки томонлама учрашувлар, музокаралар бўлиб ўтди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Каттақўрғонда цемент ишлаб чиқарилади

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда цемент ишлаб чиқариш заводи қурилиши бошланди.

Қиймати 420 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда йилига 2,4 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

– Дастлаб ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ушбу лойиҳани атрофлича муҳокама қилдик, маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё захираси ва бошқа имкониятларни ўргандик, – дейди “GANSU HENGYA CEMENT Co LTD” компанияси бош директори Чжай Ваньмин. – Натижа биз кутгандан ҳам аъло даражада бўлди ва мазкур истиқболли лойиҳа учун инвестиция киритишга қарор қилдик. Завод икки томон учун ҳам манфаатли бўлишига ишонаман.

Лойиҳани икки босқичда амалга ошириш режалаштирилган. 2018-2020 йилларда амалга ошириладиган биринчи босқичда 220 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ҳисобига йилига 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга дастлабки блок ишга туширилади. 300 киши доимий иш билан таъминланади.

Иккинчи босқич 2020-2023 йилларда амалга оширилади ва яна 100 та янги иш ўрни яратилади. Заводда М-400, М-500 (оқ ва кулранг), М-600 маркали цемент ишлаб чиқарилади.

ЎЗА

ОБУНА-2019

ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2019

Обуначилар диққатига!

- Обунани фақат “Банк ахборотномаси” газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкilotлар орқали расмийлаштиринг.
- Таҳририят бугунги кунда қуйидагилар билан шартнома имзолаган:

ТАРКАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:

- ▶ “Ўзбекистон почтаси”;
- ▶ “Матбуот тарқатувчи” агентликлари.

ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:

- ▶ “SAYYOR 2017” МЧЖ;
- ▶ “GRAND INTER MEDIA” МЧЖ;
- ▶ “SHA-GAY PRESS SERVIS” МЧЖ;
- ▶ “Matbuot Servis” МЧЖ;
- ▶ “Matbuotchi” МЧЖ;
- ▶ “SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ;
- ▶ “KALEON INFORM” МЧЖ;
- ▶ “MATBUOT TONGI” МЧЖ.

- Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, таҳририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



БОЗОРНИ ТўЛАҚОНЛИ ИДРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТИ

Обуна индекси – 102.

Обуна бўйича мурожаат учун:

Тел.: (998) 71 232-45-32, 71 233-45-16.

Факс: (998) 71 232-43-98.

E-mail: info@banknews.uz

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУХАРРИР

Р.О.ОХУНОВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Газета таҳририятининг
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, “Туркистон-пресс” НАО

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй,
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
71 232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 1189.

Адади 3082 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда

чоп этилди.

Босишга рўхсат этилди. 14.11.2018 й., 9.00.

12345